

**ТАРИХГА САДОҚАТ ВА
ФИДОЙИЛИК НАМУНАСИ:
ПРОФЕССОР САЙФУЛЛА
ТУРСУНОВНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА**

РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, Марказий Осиё фан,
маданият ва санъат академияси
академиги, З.М.Бобур номидаги Андижон
давлат университети Ўзбекистон тарих
кафедраси профессори, Университет
хузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси
музеи директори*



Эсимда Тошкент шаҳрида “Шарқ” нашриёти раҳбарияти ва ходими Убайдулла Шоймардонов билан бўлган суҳбатда биринчи бор Сайфулла Турсунов билан юзма-юз кўришиб кичик суҳбат қурганмиз. Орадан ҳеч қанча ўтмасдан 2001 йил апрел ва октябр ойларида Самарқанд, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларига 3 марта илмий экспедиция уюштирган эдик. Сурхондарё диёрида профессор Сайфулла Назруллаевич билан учрашиб бутун экспедиция жараёнида бизга жуда яқиндан катта кўмак кўрсатган эди.

Биз биргаликда қатор жойларда бўлиб Фарғона водийсидан Сурхондарёга сургун қилинганлар билан учрашиб, улар хонадонида мавзу бўйича суҳбатлар ўтказганмиз. Денов туманидан Карима опа Хўжаева Нуриддинхўжа қизи, Наимжон Юсуфжон ўғли, Неъматулло Юсупов, Ғанижон Юсуповлар хонадонида уларнинг суҳбатларини ёзиб олганмиз. Сайфулло Турсунов Сариосиё тумани ҳокими Парда Мадиев билан бизни яқиндан таништириб экспедициямиз учун алоҳида жой ажратиб, нонушта ва кечки овқатлар ташкил этиб, шахсан ҳокимнинг ўзи туман бўйича мавзуйимизга алоқадор кекса нуронийлар билан учраштириб, алоҳида суҳбатлар уюштириб бергани ҳали ҳамон ёдимда. Ўз навбатида Сурхондарёдан Андижон округи “Савай” меҳнат посёлкасига кўплаб деҳқонлар кулоқ сифатида сургун қилинган. Сариосиё районида Эргаш Бердиев, Хўжа

Ашурова, Ойша Бойматова “Савай” меҳнат посёлкасига сургун қилинган. Бу каби ҳужжат ва материаллар, суратлар “Шимолий Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати”, “Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш ва сургун” монографик тадқиқотларимизда кенг ёритилган. Бунда профессор Сайфулла Турсуновнинг ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлайман. Сурхондарё вилояти ҳокими Бахтиёржон Олимжонов хузурида Сайфулла Турсунов билан “кулоқлаштириш”, “сургун”, “қатагон” мавзуларида батафсил суҳбат ўтказганмиз.

Андижонга Сайфулло Турсунов биринчи бор 2005 йили май ойида оиласи билан ташриф буюрганида Андижон давлат университети раҳбарияти, Ўзбекистон тарихи кафедраси, тарих факультети профессор-ўқитувчилари билан учрашувлар ўтказилган. Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари, кафедралардаги илмий тадқиқот ишлари билан яқиндан танишиб чиқилган, сермазмун, жозибали илмий суҳбатлар олиб борилган, иқтидорли талабалар билан суҳбатлар ўтказилган.

Таникли тарихчи олим Турсунов Сайфулланинг илмий ва ижтимоий фаолияти Ўзбекистон тарихшунослиги тараққиётида алоҳида ўринга эгадир. Шу боис унинг табаррук 70 йиллиги бутун республикамиз ва хорижда нишонланаётганидан биз беҳад хурсандмиз. Унинг серкирра фаолияти, бой илмий

мероси ва чин инсонийлик фазилатларини ҳозирги ва келажак ёшлари учун ибрат намунасидир. Бу камтарин, сермахсул ижодкорнинг Ўзбекистон тарихи, жумладан Сурхондарёнинг қадимги давридан ҳозиргача бўлган тарихини тадқиқ этиш ва шу мавзу бўйича кўпдан-кўп тарихчи олимларнинг янги авлодини яратиш борасидаги хизматлари алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга сазовордир.

Халқимизда ҳар бир ҳақиқий олим ўз шогирдларида такрорланиши керак деган пурмаъно нақл бор. Профессор Сайфулла Турсунов айни кўпдан-кўп шогирдларида такрорланаётган, заҳматкаш олимлар даврасида ўзига хос мавқе ва ўринга эгадир. Унинг раҳбарлигида ҳозиргача шогирдларидан 48 нафари тарих фанлари номзоди илмий даражага эга бўлиб улардан 5 нафари докторлик диссертация химоя қилиш арафасида турибди, 15 нафар аспирантга илмий раҳбарлик қилмоқда.

Серқирра олимнинг илмий тадқиқотлари хорижда ҳам маълум ва машҳур. Бу ўринда 2002 йили Буюк Британиянинг Кембриж халқаро жамияти ва университети томонидан **“XXI асрнинг машҳур 2000 олими”** унвонига сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Унинг илмий изланишлари Ўзбекистон тарихи, аграр сиёсат, этнография, маданий мерос ва ҳудудий тарих каби кенг йўналишларни қамраб олган. Бу ўринда кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмалар, 200 дан ортиқ илмий-услубий ўқув оммабоп мақолалари, рисоалари, ва монографиялари нашр юзини кўрган, республика тарихига доир 44 та монография ва 32 та рисола чиқарилган.

Профессор Сайфулла Турсуновнинг илмий мероси ниҳоятда бой бўлиб, у томонидан юзлаб илмий мақолалар, ўқув қўлланмалар ва монографиялар яратилган. “Сурхондарё тарихи”, “Сурхондарё этнографияси”, “Сурхон воҳаси моддий маданияти тарихи”, “Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи” каби асарлари ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Профессор Сайфулла Турсунов нафақат

илмий тадқиқотчи, балки жамоат арбоби сифатида ҳам фаолият юритиб келмоқда. У турли ташкилотларда маънавий-маърифий ишлар бўйича фаол иштирок этиб, ёш авлодни миллий қадриятлар ва тарихий хотирага ҳурмат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Миллатпарвар, ватанпарвар, камтарин, одампарвар фан кишиси бўлган Сайфулла Турсунов раҳбарлигида амалга оширилаётган илмий лойиҳа ва тадқиқотлари тарихий ва ҳамиша навқирон Сурхондарё воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига хизмат қилаётгани барча-барчага маълумдир.

Сайфулла Турсунов — ўз умрини илм-фанга, таълим-тарбияга ва тарихий ҳақиқатни тиклашга бағишлаган фидойи олимдир.

Муҳтарам кадрдоним тарих фанлари доктори, профессор Сайфулла Назруллаевич Турсуновнинг муборак 70 йиллик юбилеи муносабати билан самимий табрикларимни изҳор этаман.

Ҳурматли Сайфулла Турсунов ўз умрини илм-фан, таълим-тарбия ва миллий тарихимизни чуқур ўрганишга бағишлаб, юртимиз тарихшунослиги ривожига улкан ҳисса қўшган етук олим ва фидойи устоз сифатида барчага ибрат бўлиб келмоқдасиз. Сизнинг кўп йиллик самарали меҳнатингиз, бой илмий меросингиз ва юксак инсонпарварлик фазилатларингиз илмий жамоатчилик ва шогирдларингиз орасида юксак қадрланади.

Айниқса, ёш авлодни тарбиялаш, уларни ватанпарварлик ва тарихий хотирага ҳурмат руҳида камол топтиришдаги хизматларингиз алоҳида эътиборга лойиқдир. Сиз каби фидойи, заҳматкаш илм кишилари бор экан, илм-фан ва маънавият равнақи бардавом бўлиши шубҳасиздир.

Сизни 70 йиллик юбилейингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман, Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, илмий ва ижодий фаолиятингизда янада улкан ютуқлар тилайман.

Сизни бағримга босиб ҳурмат ва эҳтиром билан!